

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ НЕГИЗЛАРИ

О.Эргашев -- фал.ф.д. проф., ҚарДУ;
Д.Рузибоев – магистрант, ҚарДУ

Ўз умрини ўтаб бўлган собиқ тоталитар маъмурий - буйруқбозлик тизими шароитида “умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштириш” шиори остида Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама хомашё етиштиришга йўналтирилган ва салбий оқибатларга олиб келган пахта якка ҳокимлиги сиёсатидан бутунлай воз кечиш йўлида Мустақил ривожланишнинг қисқа бир даврида жуда катта ишлар амалга оширилди.

¹¹ Лейбниц Г. В. Сочинения в 4-х томах. Том 1. – М.: Мысль, 1982. – с. 413-429.

Қишлоқ шароитида ижтимоий-маънавий муҳит даражасини юксалтиришга олиб келадиган қуйидаги таъминларни эътиборга олиш лозим:

- ерга мулкчилик масаласини ҳал қилиш асосида қишлоқда эркин бозор иқтисодиетини қайта тиклаш. ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш орқали деҳқонлар онгида ерга эгаллик туйғусини шакллантириш;

- қишлоқ аҳолисининг реал даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, янги иш уринларини ташкил этиш. бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш;

- аҳолининг соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш ва тиббий маданиятни ривожлантириш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий техник баъзасини мустаҳкамлаш, малакали тез тиббий ёрдам курсатиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши, тугруқхона бўлимларининг ишини сифатдан яхшилаш, ҳомиладор аёлларнинг оммавий барвақт перинатал скринингини ўтказиш, “Соғлом она – соғлом бола” шиорини кенг тарғиб қилиш, қишлоқ аёлларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг электрмаиший техника жиҳозлари билан кенг таъминлаш асосида уй-рузгор юмушларини енгиллаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий – сиёсий фаоллигини янада ошириш учун қулай шароитлар яратиш;

- қишлоқ жойларда таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва ривожлантириш, мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш сифатини эртаги кун талаблари асосида тубдан яхшилаш;

- қишлоқ жойларда янги наъмунавий лойиҳалар асосида арзон ва қулай уй-жойлар қуриш, энг аввало, тоғли чекка ва бориш қийин бўлган олис қишлоқларда истиқомат қилаётган ёш oilаларни узоқ муддатли ипотека кредит ажратиш орқали янги уй-жойларга кўчириш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич ҳаётга жорий қилиш;

- қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш. тоза ичимлик суви, электр таъминоти, табиий газ билан

таъминлашни тубдан яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, йул инфратузилмаси ва аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш;

Ушбу мақолада кишлоқ шароитида ижтимоий-маънавий муҳитни ўзгартишни асосий негизларининг айримларигагина тўхталдик, ҳолос. Унинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин бўлади, деган фикрдамиз.